

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КИЯМОВ НИШОН САДИКОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МУСИҚИЙ
МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Киямов Нишон Содиқович

Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш 3

Киямов Нишан Садыкович

Совершенство педагогических основ формирования музыкальной культуры у студентов высших образовательных учреждений..... 27

Kiyamov Nishon Sadikovich

Improving pedagogical bases of formation musical culture of the students of educational institutions..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 58

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КИЯМОВ НИШОН САДИКОВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА МУСИҚИЙ
МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Ped7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Булатов Саидахбор Собитович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қуронов Махаммад
педагогика фанлари доктори, профессор

Олимов Ширинбой Шарофович
педагогика фанлари доктори, профессор

Халилов Фахриддин Нуриддинович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида мусиқа санъатининг инсон маънавий-маърифий камолотидаги тутган ўрнидан келиб чиқиб, ёшлар онгида миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак эстетик ва ахлоқий маданиятни шакллантириш орқали моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда олий таълим муассасаларида мусиқий маданият тарғиботини амалга ошириш, талабаларнинг мусиқий маданияти савиясини кенгайтириш, фортепиано, хор оркестр, опера санъати таълимини такомиллаштириш, электрон дастурий маҳсулотлар орқали мусиқани ўқитиш жараёнларини технологиялаштириш йўлга қўйилган.

Дунёда талаба-ёшларни мусиқа ижро санъатига жалб қилишнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқиш, мусиқий маданият таълимини илғор, замонавий педагогик технологиялар асосида модернизациялаш, мусиқа ўқитувчиларининг созандалик-ижрочилик тайёргарлигини дидактик таъминлаш, мусиқали фольклор жамоаларининг тарбиявий хусусиятларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари талабаларда дунёвий мусиқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган таълим усуллари ва уларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини ошириш, педагог-мутахассислар тайёрлаш ўқув мазмунини мусиқий маданият ҳамда ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат ва ватанпарварлик тарбияси интеграцияси асосида шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мусиқий таълимни ҳамда ўзбек мусиқий маданиятини ривожлантириш, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш, махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш борасидаги ислохотлар олий таълим муассасалари талабаларини мусиқий маданиятини ривожлантиришнинг самарали йўллари, шакл, метод ва усуллари жорий этиш имкониятини оширди. Шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш эҳтиёжи юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “мусиқа ва санъат таълимини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ёшлар эътиборини мусиқа ва санъатга қаратиш, ёш иқтидорли ижодкорларни излаб топиш ва уларнинг ижодини рағбатлантириш”¹ вазифалари белгиланган. Бу борада мусиқий қадрият ва мусиқий маданиятни шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш асосида мусиқий маданиятни ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаш, мусиқий маданиятни таркиб топтиришнинг педагогик механизмларини миллий-мусиқий асарлардаги қадриятлар билан мужассамлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-3391-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот ИТД-1 «Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Талабаларда мусиқий маданият шаклланишини ўрганиш масалалари юзасидан фалсафий, методологик ва услубий асосларини такомиллаштириш, объектив баҳолаш, мезон ҳамда даражаларини ишлаб чиқиш бўйича Mozarteum University of Salzburg (Австрия); National Academy of Music (Болгария), Royal Conservatory of Music (Канада); Central Conservatory of Music (ХХР); The Royal Danish Academy of Music (Дания); Conservatoire National Supérieur de Musique et de Danse de Paris (Франция); The Royal Academy of Music (Англия); Conservatorio Nacional Superior de Musica (Аргентина); Australian National Academy of Music (Австралия) каби муассасаларда эътиборга молик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда талабалар мусиқий маданиятини ижтимоийлаштириш омили сифатида мусиқий маданиятни ривожлантириш механизмлари (Австрия); талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришнинг ташкилий тузилмаси модели (Болгария); талабаларнинг мусиқий маданиятини профессионал даражага олиб чиқиш, ўқув стандартлари, ўқув дастурлари асосида баҳолаш технологиялари (Канада); юқори малакали мусиқа ижрочиларини тайёрлаш, мусиқашунослик, чолғу ижрочилиги, фортепиано, хор, оркестр, опера санъати орқали юқори малакали мусиқа маданиятига эга бўлган талабалар тайёрлаш (Хитой); талабаларда мусиқий маданиятни шакллантириш, уларни мумтоз (классик) мусиқа орқали дунёдаги энг нуфузли мусиқа академиялари, мусиқий таълим марказлари билан ижодий ҳамкорлик даражалари такомиллаштирилган (Дания); талабаларда мусиқий маданиятни

² Ушбу маълумотлар юқорида номи тилга олиб ўтилган хорижий мусиқа ОТМларининг куйидаги сайтларидан олинди: <https://www.uni-mozarteum.at/en/kunst/orchester/index.php>; <http://nma.bg/bg/lpage/882071/1>; <https://www.rcmusic.com/learning/royal-conservatory-school/>; <http://en.ccom.edu.cn/>; <https://english.dkdm.dk/Studies/Study-programmes>; <http://www.conservatoiredeparis.fr/en/etudes/>; <https://www.ram.ac.uk/research>; <https://cmbsas-caba.infed.edu.ar/sitio/nivel-superior-profesorados/>; <https://anam.com.au/training/departments> (01.11.2018)

шакллантириш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, (Франция); талаба-ёшларни мусиқий таълим орқали замонавий мусиқа ижро санъатига жалб қилиш, шу орқали талабаларни дунёвий мусиқий маданиятга таълим орқали эришиш тизими ривожлантирилган (Англия); олий таълим муассасаларида мусиқий маданиятнинг тарғиботи учун хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш ишлари тизимлаштирилган (Аргентина); таълимга кириб келган илғор, замонавий технологиялар асосида мусиқий маданиятни ривожлантириш технологик жиҳатдан модернизациялаштирилган (Австралия); олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш механизмлари ишлаб чиқилган (Қозоғистон); талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришни такомиллаштириш технологиялари ишлаб чиқилган (Россия).

Дунёда педагогика олий таълим муассасалари талабаларини мусиқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: оилада фольклор воситасида болаларда соғлом маънавий дунёқарашни шакллантириш; таълим муассасаларини ахборотлар таҳдидидан ҳимоялашнинг модернизациялаштирилган тизимини яратиш; аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини яратиш; мусиқа санъати орқали талаба-ёшларда умуминсоний қадриятларни шакллантириш технологияларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид фармонлари, қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ОТМларда талаба ёшларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришни такомиллаштиришда методологик асос бўлиб, буюк қомусий олимлар Абу Наср Форобий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Дарвеш Али Чангийларнинг илмий мерослари мусиқий тарбия муаммоларини ҳал этишда зарурий манба бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, санъатнинг турли жанрлари воситасида эстетик тарбияни шакллантириш муаммолари С.Булатов, Б.Азимов, С.Аннамуратова, О.Васильченко, Ш.Жанайдаров, Ф.Жўраев, Д.Камолова, Ҳ.Нурматов, Ф.Халилов, А.Ҳасанов³ларнинг ишларида тадқиқ этилган; ўзбек мумтоз мусиқий мероси, фольклор кўшиқларининг тарихи, назарияси,

³ Ҳасанов А. Мусиқа ва тарбия.-Т., Ўқитувчи, 1993.-142 б.; Нурматов Х. Педагогические основы формирования музыкально-эстетической культуры младших школьников Узбекистана: - Дисс...докт.пед.наук в виде науч. док. -Т.,1994. -52 с.; Жураев Ф. Становление и развитие массового музыкально-эстетического воспитания учащихся молодёжи в кружках узбекских народных инструментов: - Автореф.дисс...канд.пед.наук. -Т., 1979.-19 с.; Камалова Д.И. Идеино-нравственное воспитание подростков средствами музыкального искусства: -Автореф.дисс...канд.пед.наук. -Т., 1990. -17 с.; Васильченко О.А. Формирование эстетического вкуса подростков в процессе школьной музыкально-хоровой деятельности: - Автореф.дисс...канд.пед.наук.-Т., 1991.-17 с.; Азимов Б.Г. Нравственное воспитание молодёжи средствами народной музыки (на материале музыкальной самодеятельности ПТУ Республики Узбекистан): дисс... канд. пед. наук. - Т., ТДПИ, 1991. - 188 с.; Аннамуратова С.К. Художественно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. - Т., Фан, 1991. - 370 с.; Жанайдаров Ш. Патриотическое и интернациональное воспитание учащихся молодёжи средствами музыки: Автореф. дисс... канд. пед. наук. - Т., 1991. - 18 с.; Халилов Ф.А. Дидактические основы инструментально-исполнительской подготовки будущих учителей музыки: -Дисс...докт.пед.наук.-Т., 2001.-216 с.

хусусиятларини Р.Абдуллаев, С.Бегматов, Т.Вызго, О.Иброҳимов, Ф.Кароматов, И.Ражабов, Т.Ғофурбеков, Б.Қодиров, М.Қодиров, Э.Файзуллаев⁴ларнинг ишларида ёритилган;

Г.Нажметдинов, Б.Кароматова, Д.Джамолова⁵лар мусиқий-педагогик таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича изланишлар ўтказган. Педагогика таълим муассасаларининг таълим жараёнини бошқариш, инновацион технологияларни татбиқ этиш, таълим сифатини ошириш масалалари Р.Аҳлиддинов, У.Иноятов, Ш.Шарипов, Б.Абдуллаева, Р.Исянов, М.Куронон, Д.Шарипова, О.Мусурмонова, Ҳ.Ибрагимов, Ш.Мардонов, Р.Ҳайдаров, Л.Мўминова, Ғ.Шоумаров, Ш.Қурбонов, Н.Эгамбердиева, Б.Адизов, Б.Раҳимов, Н.Тайлоқов, А.Абдуқодиров, Н.Эркабоева, Н.Шодиев, Ў.Толипов, С.Нишонова, У.Маҳкамов, Э.Турдиқулов, Р.Сафарова, М.Қахҳорова, Э.Юзликаева, Ж.Йулдошев, М.Йўлдошев, О.Жамолиддинова, М.Уразова, М.Ҳакимова, Д.Юнусова, Ш.Шодмонова, Д.Рўзиева ва Б.Ходжаевлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ёритилган.

Мавзуга оид бўлган муаммонинг илмий-назарий масалалари МДХ давлатлари олимлари Э.Абдулин, Е.Бодина, О.Бочкарева, Э.Бурзина, Н.Иванов, Л.Коваль, В.Ражников, А.Рапатская, Е.Федорович, С.Шабаевларнинг илмий-тадқиқот ишларида баён қилинган.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг мусиқий маданиятини такомиллаштириш муаммоси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган бўлса ҳам, бироқ таълимни ахборотлаштириш, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш шароитида талабаларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-171-“Талабаларни олий педагогик таълим

⁴ Абдуллаев Р.С. Обрядовая музыка народов Центральной Азии: дисс... докт. искусств. – Т., 1996. - 242 с.; Бегматов С. Фарғона водийси хофизлик анъаналари: санъатшунос. фан. номз. дисс... - Т., 1995. - 121 б.; Вызго Т. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. - М.: Музыка, 1970. - 320 с.; Ибрагимов О.А. Семантика макомов: автореф. дисс... докт. искусств. - Т., 1998. - 31 с.; Караматов Ф. Музыкальное наследие узбекского народа (в XX веке). - Т., 1978. - 154 с.; Ражабов И. Ближний и Средней Восток. Музыкальная эстетика стран Востока: Сборник “Музыка”. –М., 1967. - 245-226 с.; Ғофурбеков Т.Б. Ўзбек бастакорлик ижодиёти: анъана ва замонавийлик. - Т., Ўқитувчи, 2003. -250 б.; Кадыров Б.А. Традиционная педагогическая культура узбекского народа /История. Теория. Практика./: автореф. дисс... докт. пед. наук. - Москва, 1992. – 41 с.; Файзуллаев Э.М. Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (Ўзбек мумтоз мусикаси мисолида): автореф. дисс... фан. номзоди. – Т., 2010. – 23 бет.; Кадыров М. Художественное воспитание и самодеятельность: автореф. дисс... канд. пед. наук. - Т., 1981. - 19 с.

⁵ Нажметдинов Г.М. Формирование профессионального интереса у студентов музыкально-педагогических факультетов ВУЗов в Республики Узбекистан.: -Автореф.дисс... канд.пед.наук. –Т., 1999.-21 с.; Джамалова Д.А. Музыкально поэтические традиции Востока в повышении эффективности музыкального воспитания учащихся (на материале внеклассной работы с учащимися 8-9 классов средней общеобразовательной школы): автореф. дисс... канд. пед. наук. - Т., 2003. – 20 с.; Караматова Б.М. Педагогические основы использования музыкального наследия мыслителей Среднего Востока в учебно-воспитательном процессе школы (на примере уроков музыки): автореф. дисс... канд. пед. наук. – Т., 2000. - 19 с.

тизимда бошқарув фаолиятига тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни” (2012-2014йй.) ва Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг И1-ХТ-0-11142-“Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион кадриятли йўналишларини жорий этиш” (2013-2014 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим мусиқа таълими йўналиши талабаларида мусиқий кадрият ва мусиқий маданиятни шакллантиришнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш асосида мусиқий маданиятни ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаш;

талабаларда мусиқий маданиятни шакллантириш эҳтиёжи, шунга кўра мусиқий-назарий билимларни эгаллаш ва унинг эътиқодга айланиши жараёнида мусиқий маданият шаклланганлик даражасини ташхис этишнинг педагогик усулларини такомиллаштириш;

талабаларда мусиқий маданиятни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг мусиқий маданиятини таркиб топтириш моделини такомиллаштириш ва мусиқий маданиятни шакллантиришнинг локал-модулли технологиясини ишлаб чиқиш;

тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва олинган натижалар асосида талабаларнинг мусиқий маданиятни ривожлантиришга хизмат этадиган, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Қарши давлат университети, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти мусиқа йўналиши талабаларида мусиқий маданиятни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига 403 нафар талаба, 73 нафар профессор-ўқитувчилар жалб қилинди. Сўровномада 503 нафар талабалар иштирок этдилар.

Тадқиқотнинг предмети талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришнинг мазмуни, самарали шакл ва усуллари, ташкилий-методик таъминоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммога доир илмий, фалсафий-сиёсий, тарихий, этнографик, педагогик, психологик, мусиқий, таҳлил, кузатув, тажриба-синов, социометрик (сухбат, сўровнома, интервью, тестлар) қиёсий таҳлил, математик-статистик моделлаштириш кабилар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантириш тузилмаси талабаларнинг маданий комиллик ҳамда кадриятларга нисбатан мотивациясини ошириш босқичларининг мусиқий онг, ҳис-туйғу, эътиқод, маҳорат компонентлари мазмунини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

этикод, ҳис-туйғу, муסיқий маҳоратга оид шахсий компетенциялар мазмуни муסיқий маданиятни шаклланишида миллий-маънавий, педагогик-психологик таъсирлар (ички ва ташқи) динамикасига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

муסיқий маданиятни таркиб топтиришнинг педагогик жараёнлари муסיқий-маданий тайёргарлик даражаси параметрларининг (илғаш, англаш, ҳис этиш) ўзаро интеграциялашув тамойилларини (кетма-кетлилик, такрорийлик, позитивлик) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

муסיқий маданиятни ривожлантиришнинг локал-модулли технологиясини қўллаш босқичлари талабаларнинг психофизиологик хусусиятлари, ёши ва ижодий имкониятларига кўра гуруҳлаш меъзонларини (муסיқий таълим-тарбия, муסיқий-назарий билим, муסיқий-эстетик дид) киритиш асосида такомиллаштирилган;

муסיқий маданиятни шакллантиришнинг ўқув-методик таъминоти талабанинг муסיқий ривожланишини тартибга солувчи мулоқот лойиҳаси, муסיқий-назарий вазифалар, ижодий усулларнинг педагогик имкониятларини (муסיқий тарбиялаш, муסיқий-назарий билимларга йўналтириш, муסיқий-эстетик дидни шакллантириш) очиб бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогика ва муסיқий таълим йўналишидаги «Муסיқа назарияси», «Муסיқа тарихи», «Болалар муסיқа адабиёти», «Хор ва хоршунослик», «Муסיқа ўқитиш методикаси», «Педагогика», «Маданиятшунослик», фанлари ва «Тарбиявий ишлар методикаси» курслари муסיқий маданиятни шакллантиришга оид назарий ва амалий тавсиялар билан тўлдирилган;

талабаларда муסיқий маданиятни шакллантириш ва уларда муסיқий-педагогик касбга қизиқишини орттиришнинг педагогик мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган;

мактаблар ва олий таълимда муסיқий–эстетик тарбияга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, ёшларни санъатга, маданиятга, миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашга бепарволик билан қараш, ёшларнинг санъатда ёт таъсирларга мойил бўлиши каби салбий ҳолларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

педагогика назарияси йўналишида муסיқий маданиятни шакллантиришни такомиллаштириш борасида таклифлар ва назарий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш илмий-назарий, тарихий жиҳатдан асослари мамлакатимизда муסיқий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмунига ҳамда ушбу муаммо юзасидан республикамиз ва хорижий педагог-олимларининг назарий ғояларига асосланганлиги билан характерланади. Илмий фаразнинг тажриба-синов натижалари амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти ОТМ талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш таркибий қисмлари аниқланганлиги, талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда талабаларда мусиқий маданиятнинг шаклланганлик даражасини юксалтиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мусиқа назарияси, болалар мусиқа адабиёти, мусиқа ўқитиш методикаси, мусиқа тарихи, хор ва хоршунослик, педагогика, тарбиявий ишлар методикаси, маданиятшунослик фанларига оид ўқув фанларининг мазмунини ривожлантиришга қаратилган манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаси талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштиришга доир олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

этикод, ҳис-туйғу, мусиқий маҳоратга оид шахсий компетенциялар, мусиқий маданиятни шаклланишида миллий-маънавий, педагогик-психологик таъсирлар (ички ва ташқи) динамикасига доир таклифлар “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат йўналишлари Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 20 июндаги 89-03-537-сон маълумотномаси) ва (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3618-сон маълумотнома). Натижада мусиқа таълими бакалавриат йўналиши малака талаблари ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга эришилган;

олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантириш тузилмасини такомиллаштириш, талабаларнинг маданий комиллик ҳамда қадриятларга нисбатан мотивациясини ошириш босқичларининг мусиқий онг, ҳис-туйғу, этикод, маҳорат компонентлари мазмунига оид таклифлардан ПЗ-20170927124-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 20 июндаги 89-03-537-сон маълумотномаси) ва (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3618-сон маълумотнома). Натижада талабаларда ижтимоий-маданий компетентлиликни такомиллаштириш самарадорлигини оширишга эришилган;

мусиқий маданиятни ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси, талабаларнинг психофизиологик хусусиятлари, ёши ва ижодий имкониятларига кўра гуруҳлаш мезонларига (мусиқий таълим-тарбия, мусиқий-назарий билим, мусиқий-эстетик дид) доир таклифлардан ОТ-Ф1-36-рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини

такомиллаштириш” лойихаси доирасида арт таълим технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 20 июндаги 89-03-537-сон маълумотномаси) ва (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3618-сон маълумотнома). Натижада талабаларнинг муסיқий маданиятини шакллантиришда бадий педагогика имкониятлари самарадорлигини оширишга эришилган;

муסיқий маданиятни таркиб топтиришнинг педагогик жараёнлари, муסיқий-маданий тайёргарлик даражаси параметрларининг ўзаро интеграциялашув тамойиллари, ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш, мулоқот лойихаси, муסיқий-назарий вазифалар, ижодий усулларнинг педагогик имкониятларига доир таклифлардан И1-ХТ-0-11142-рақамли “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-қадриятли йўналишларини жорий қилиш” инновацион лойихаси доирасида талабаларнинг муסיқий маданиятини баҳолашнинг аксиологик мезонларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 20 июндаги 89-03-537-сон маълумотномаси) ва (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 сентябрдаги 89-03-3618-сон маълумотнома). Натижада талабаларда муסיқий маданиятни шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда уларни баҳолашнинг инновацион усуллари мазмуни бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси, АҚШ, Испания, Россия каби мамалакатларда ўтказилган халқаро конференциялар, СамДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий ва илмий амалий анжуманларида маърузалар ўқилган ҳамда тадқиқот натижалари ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 монография, 11 та республика илмий журналларида, 4 та хорижий илмий журналида, 39 та илмий-назарий конференция ва илмий мақолалар тўпламларида чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, 254 саҳифа матн, 9 та жадвал, 3 та расм, 2 та гистограмма, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Жамиятни модернизациялаш шароитида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида маънавий-маданий соҳадаги йўналишлар сирасида анъаналар ворисийлиги, миллий-маданий меросни сақлаш ва бойитиш, ундан мохирона фойдаланиш масалалари йилдан-йилга долзарблик касб этиши, инсонда дунёни эстетик идрок этиш ҳамда нафосат ҳиссининг шаклланиши эркин, баркамол шахс маданиятининг асосий шarti эканлиги, бунда санъат, жумладан мусиқа санъати асосий ўрин тутиши, мусиқа ва санъатнинг инсон ва жамиятни гуманизациялашувига таъсири муаммосига эътибор қаратилган.

Мусиқий билимларни шахс онгида идрок этилиши унинг ҳиссиётини кўзғайдиган, инсонда хузур-ҳаловат, қувонч ва ғамгинлик каби ҳис-туйғуларни пайдо қиладиган ҳолатдир. Инсон мусиқани юксак эстетик ҳис қилгандагина мусиқа унга эстетик таъсир этади. Ушбу жараёнда шахснинг мусиқага оид эҳтиёжлари билимга айланиб, эътиқод шаклланади. Эътиқод асосида мусиқий маҳорат мусиқий маданиятни шакллантириш малака ва кўникмасини пайдо қилади ва у муайян фаолиятга айланса, мусиқий маданият шаклланган бўлади. Чизмада қуйидагича ифодаланади:



1-расм. Мусиқий маданиятнинг шаклланиш босқичлари.

Демак, мусиқий маданиятнинг шаклланиши – бу инсон онгида уни идрок этиши натижасида пайдо бўладиган эстетик ҳис-туйғулар асосида маълум эҳтиёжларнинг юзага келиши, унга кўра мусиқий-назарий билимларни эгаллаши ва ундан эътиқодга айланиши асосида пайдо бўлган мусиқий маҳорат ҳамда малака ва кўникмаларнинг муайян фаолиятга айланиши жараёнидир. Хуллас, мусиқий маданият деганда мусиқа воситасида нафосатни ҳис этиш, улардан завқланиш, асраб-авайлаш ва бойитиш эвазига ўзлаштирилган мусиқий билим ва фаолияти даражасини тушуниш мумкин.

Ўзбек халқининг, энг аввало, ёш авлоднинг маданий-маънавий ва ақлий камолотини таъминлаш, шахсда касбий қобилиятларни ривожлантириш, ҳар бир ёшда муайян нарсага қизиқишни, дунёни мукамал билишнинг таркиб топиши билан руҳий муаммоларнинг олдини олиш, шу каби таълим-тарбиявий фаолиятларнинг аниқ тизимини яратиш учун психология, педагогика фанлари олдидаги асосий муаммоларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур вазифаларни ҳал этиш учун ўқув-тарбия жараёни тизимини назарий (таълим-тарбия назарияси ва услубияти), амалий (мамлакат ва минтақада таълим узвийлигини таъминлаш мақсадида барча турдаги олий

таълим муассасалари учун намунавий дастур, ўқув режаси, дарслик ва ўқув кўлланмалар яратиш) ташкилий бошқарув, яъни олий таълимни бошқарувчи давлат тизими тузилмасини ишлаб чиқиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамда илмий ишлаб чиқариш жамоаларининг ОТМ билан ҳамкорлик қилиши, таълим муассасаларининг масъуллиги ва мустақиллигини ошириш ҳамда эркинлаштириш ва демократлаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқининг бой мусиқий мероси жаҳон халқлари мусиқий мероси билан бир қаторда асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, мусиқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамият аъзолари, айниқса бўлажак мутахассисларнинг маънавий-маданий сифатларини тарбиялашнинг янгидан-янги педагогик имкониятларини излаш зарурлиги, бўлғуси мутахассисларнинг мусиқий маданиятига эътибор қилмасдан туриб, мусиқа соҳасида етук, баркамол инсонни шакллантириш мумкин эмаслиги ёритилган.

Шу жиҳатдан қараганда, инсоннинг мусиқий маданиятини шакллантиришда халқнинг миллий, маданий, тарихий мероси катта аҳамият касб этиши мустақиллик йилларидаги дастлабки тажрибалардан аён бўлмоқда. Дарҳақиқат, анъанавий мерос ва мутафаккирларнинг ёшларда мусиқий маданиятни шакллантиришга хизмат қиладиган фикрлари ва қарашларидан педагогикада унумли фойдаланиш мақсадида, талабаларнинг мавжуд мусиқий маданияти тушунчалари даражасидан келиб чиққан ҳолда, мусиқа фанлари йўналишини бир қатор янги ўқув материаллари ва маълумотлар билан бойитиш зарурияти мавжудлиги аниқланди.

Асосий вазифалардан бири талабаларда мусиқий-педагогик касбга қизиқишни орттириш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва фаолият кўрсатиши учун аниқ тасаввурларини шакллантириш, умумпедагогик маданияти ва маънавий сифатларини ривожлантириш, педагогик фаолиятга психологик ва амалий тайёргарлигини шакллантиришдан иборат.

Бу борада мусиқага оид фанларни ўқитишни тубдан ўзгартириш, уларда мусиқий маданиятни шакллантиришга бўлган маълум маънода эътибор берилиши ва турли педагогик усулларни жалб этиш талаб этилади. Ушбу тарзда ёндашув эса мусиқий таълимни инсонпарварлаштириш ва маданийлаштириш, ўқув фанларини интеграциялаш, таълим-тарбия жараёнида мусиқага доир миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш кабиларни тақозо этади.

Мусиқий маданиятни шакллантириш кўпроқ таълим-тарбия натижасига боғлиқ. Шунга кўра талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришда ўқитувчи маҳорати, хусусан унинг малака ва амалий тажрибаси катта аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасалари мусиқа йўналиши бўйича дарсликларда берилган мусиқий-назарий билимлар, мусиқа тинглаш, кўшиқ куйлаш, мусиқа ижодкорлиги амалий машғулотлар фаолият турлари ўқитувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Чунки ҳар бир дарсликда мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш тизими ҳар хил. Мусиқий билимлар умумтаълим мактаблари дарсликларидан фарқли равишда олий таълим муассасалари дарсликларигача бошқача тартибда берилган. Шунинг учун ҳам ушбу йўналишда педагог маҳорати, унинг машғулоти олиб бориш усули мусиқа дарсларининг самарадорлигини ошириш билан бирга талабаларнинг мусиқий маданиятини шакллантириб боришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда олий таълим муассасаларининг мусиқа йўналишига ўқишга кирган талабалар мусиқий асарларнинг мазмуни ва характерини онгли равишда тушунишлари, мусиқа санъатининг ифода воситалари, унинг элементлари (куй, лад, темп ва ҳ.к.) ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишлари, нота саводини эгаллаган бўлишлари зарур бўлади. Бу борада дарсликдан ташқари бошқа манбалар билан ишлаш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай шароитда ҳам таълим талабалар фаолиятининг педагогик асосини белгиловчи етакчи жараён ҳисобланиб, уларни мусиқага қизиқтириш, кўникма ва малака ҳосил қилиш, ижодий ташаббускорликнинг пайдо бўлиши педагог томонидан эътиборга олиниш муҳим саналади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий маданиятни шакллантиришни такомиллаштиришга қаратилган тизимли ёндашув”** деб номланган учинчи бобда мусиқий-назарий билимларни тўлақонли ўзлаштириш учун мусиқий қобилият муҳим ўрин эгаллаши, мусиқий асарнинг тузилиши, мусиқий шакл, вақтларга ажратилган айрим ҳолдаги барча товуш элементларининг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳаракатланиши, алоҳида олинган ҳар бир асарнинг шакли ҳамиша индивидуал бўлиб, ёлғиз ана шу асарнинг ўзигагина хос ва бетакрорлиги, халқ кўшиқларидан талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришда фойдаланиш масалалари, амалий рақс мусиқаси, рақс ритми ва тузилиши, дастлабки манба – маиший рақс мусиқаси, олий таълим муассасаларида бадий ҳаваскорлик тўғараклари билан маданият муассасалари ҳамкорлиги, мавзуга алоқадор бўлган тадқиқотлар. илмий-услубий адабиётлар таҳлили тавсифланади.

Илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, талабаларда мусиқий маданиятни шакллантиришда дарсдан ташқари машғулотларда қатнашишнинг аҳамияти ва ўрни, хусусан, амалий рақс ёки ҳаваскорлик тўғаракларининг фаолияти етарли эмаслигини намоён қилди. Иккинчидан, талабаларнинг мусиқий билим олишга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўқув фаолиятида доимий равишда назарияни мустаҳкамлаш, назарий машғулотни ўз навбатида амалий ижро ёки ижрочилик намунасини қўллаш лозимлиги билан аниқланди.

Албатта, бунда назарий билимлар технологияси кўпинча ижодкорлик фаолиятини кенгайтириш ва оширишга ёрдам қилиш орқали оз вақт ичида талабалардан ўз устида кўпроқ ишлашни кўзда тутди. Кейинги ҳолатлардан

бири шуки, куйлаш қобилиятига кўпроқ қизиқиши бўлган айрим талабаларда мусиқанинг назарий ва тарихий қисмларини ўзлаштириш энгил кечиши мумкинлиги кузатилади, бу ўз навбатида бўлажак касбга – мусиқачи-ижрочи, мусиқачи-педагог ёки хонандаликка тайёрланишнинг педагогик мақсадларини босқичма-босқич амалга ошириш ишларини методик жиҳатдан энгиллаштиради.

Сўнгги йилларда илмий тадқиқот ишларининг аксарияти, таълим жараёнидаги ислохотлар шунга олиб келдики, талабаларни миллий мусиқага ўргатиш (мусиқий таълим йўналишларида) асосий машғулотлардан бири, деб қарашга эътибор кучайтирилди. Бунинг натижасида ўзга халқлар мусиқа санъати ва маданиятини ўрганиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмади.

Мусиқа ижрочилари ўртасида, куй басталашда, кўшиқлар матнини тайёрлашда бир хиллик ёки ўхшашлик кўзга ташлана бошлади. Шунинг учун талабалар гуруҳларида ўқув-тарбия ишларини тўғри ташкил этишда, энг аввало, талабалар учун ўзига хос шарт-шароит яратиш орқали уларда ўқиш, миллий ва жаҳон мусиқасига қизиқиш каби жараёнларни ўрганиш, миллий ва жаҳон мусиқаси янгиликларидан хабардор бўлиш ишларини такомиллаштириш, умумий миллий мусиқа санъатини билишга ҳавас уйғотиш ва бошқа сифатларни ривожлантириш мусиқа маданиятини шакллантиришда муҳим омиллардан эканлиги тадқиқотимиз жараёнида маълум бўлди.

Талабаларда мусиқий маданиятни шакллантириш уларнинг олий таълим муассасасигача бўлган ҳаётий тайёргарлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда уларнинг олий таълим муассасаларига маълум амалий кўникма ва малакаларга эга ҳолда келишлари, уларда ҳис-туйғу, тафаккур-ирода сифатлари маълум даражада шаклланган бўлиши, миллий маданиятга нисбатан қизиқиш хусусиятининг мавжудлиги шахснинг камол топиши учун асосий замин бўлиб ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишларидаги мусиқа ва ашула дарслари, хор бўлиб ашула айтиш, мусиқий савод ўрганиш ва болалар мусиқа адабиёти билан танишиш бўйича ўтказиладиган қатор машғулотларни ўз ичига олади. Булардан ташқари, I ва II босқич талабаларида кўшиқни ўрганиш билан бир қаторда хилма-хил ритмик ҳаракатлар ҳам кўрсатилиб тўлиқ ўргатиб борилади.

Кўшиқ айтиш малакасининг асосий талабларидан бири ашулани бир текисда чўзиб, равон айтишдан иборатдир, чунки бундай ҳолларда бир товуш бошқа бир товушга яхлит ва силлиқ ўтади, бунда овознинг тўхтовсиз ҳаракатда бўлиши асносида ягона вокал йўли ҳосил бўлади.

Бу борада халқ кўшиқлари, шарқ мусиқий-поэтик анъаналари, мусиқа асарларини эстетик идрок этиш, мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш, олий таълим муассасаларида ижодий алоқаларни ривожлантириш, миллий мусиқий асарларни талабаларнинг ёш хусусияти эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларда ўқиш ва миллий мусиқага қизиқиш, ҳавас уйғотиш, буларнинг

барчасини муסיқа амалиёти жараёнида махсус методикага таянган ҳолда ижрочилик маданияти асосида амалга ошириш талаб этилади.

Мисол тариқасида талабаларнинг жавобларидан намуналар келтирамиз: «Муסיқа – эзгуликка бошловчи, маданиятнинг бир қисми бўлган тушунчадир», «маданият – бу хушмуомалалик, инсонларга нисбатан мулойимлик», «муסיқий маданият – бу самимият, очик кўнгиллиликдир» ва шу кабилар.

Умуман олганда, ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ва таълим-тарбия жараёнидаги методик камчиликлар сабабли талабалар «муסיқа ва маданият» каби хусусиятларни идрок этишда қийналадилар (1-жадвал).

1-жадвал

Муסיқий маданиятга оид бўлган тушунчаларни ўзлаштириш юзасидан берилган саволларга талабаларнинг жавоблари динамикаси

Т/р	Савол	113 нафар талаба (фоиз ҳисобида)			
		Тажриба гуруҳи– 55 нафар талаба		Назорат гуруҳи– 58 нафар талаба	
		тўғри	нотўғри	тўғри	нотўғри
1.	«Муסיқа» нима?	23	32	39	19
2.	«Муסיқий маданият» деганда нимани тушунасиз ?	17	38	21	37
3.	«Муסיқа ва маданият» тушунчаларининг мазмун-моҳияти нимада кўринади?	20	35	15	43
4.	«Муסיқий маданиятни шакллантириш» тушунчасини қандай изоҳлайсиз?	11	44	18	40

Юқорида биз санаб ўтган муסיқа ва маданиятга оид сифатларга мутафаккирлар асарларида муайян фикрлар билдирганлар. Олимлар таъбирича, инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг яшаш тарзи, билим эгаллаши муסיқий маданиятнинг шаклланиши жараёнида намоён бўлади. Бу эса машғулотлар, мулоқотлар жараёнидаги психологик-педагогик муҳитни ифодалайди. Буюк мутафаккирлар муסיқий маданиятда инсон хулқ–атворини унинг ўзидан излаганлар, инсоннинг олижаноб фазилатларини улуғлаганлар. «Муסיқа назарияси» курси бўйича ўтказилган машғулотларда шу нарса маълум бўлдики, мутафаккирлар таърифлаган муסיқий сифатлар талабаларда қизиқиш уйғотди. Шунинг учун ҳам муסיқадан таълим беришда талабаларнинг муסיқий маданиятини шакллантиришда таълим жараёнини катта имкониятларга эга бўлган маълумотлар ва ўқув материаллари билан бойитишга эҳтиёж сезилмоқда.

Талабаларда муסיқий маданиятни шакллантиришда муסיқий таълим мазмунида халқнинг миллий руҳи, маданияти, тарихи, турмуш тарзи, урф-одатларини ўзида ифодалаган миллий муסיқа асарларини ижро этишда индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларда ўқиш

ва муסיқий асарларга қизиқиш, ҳавас уйғотиш, буларнинг барчасини амалиётда махсус методика асосида синаб кўриш орқали амалга оширишни талаб этади. Муסיқий маданият талаба ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, бу борада муסיқий-назарий билимларни тўлиқ эгаллаш асосида муסיқий асарлар имкониятларидан фойдаланилади. Чунки талабалар «Маданият», «Муסיқий маданият» тушунчалари мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмай, натижада маълум муаммоларни ҳал этишда қийналадилар. Бу борада асосий эътиборни муסיқий-назарий билимларни ўрганиш асосида муסיқий саводни мустаҳкамлаш эвазига талабаларда муסיқий қобилиятни ривожлантиришга доир тарбиянинг янги услубларини излаб топиш, миллий муסיқани ўрганиш билан бирга жаҳон муסיқаси дурдоналарини ҳам уйғун ҳолда ўрганишга янгича ёндашув муסיқий маданиятни шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишлари ва унинг самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобда олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий маданиятни шакллантиришга доир тарихий тажрибалар, замонавий билимлар мажмуи, тажриба-синов ишлари шакл ва методлари, талабаларда муסיқий маданиятни шакллантиришда тажриба-синов ишларининг самарадорлиги ва истиқболда ривожлантириш йўналишлари таҳлил этилади.

Ўтказилган илмий – тадқиқот ишлари шунини кўрсатадики, талабаларда таълим жараёнида миллий муסיқага нисбатан муносабат, қизиқиш, кўникма ва малаканинг йўқлиги, ўз ҳатти-ҳаракатларини баҳолай олмаслик, ўқув топшириқларига жиддий муносабатда бўлмаслик ҳолларини учратиш мумкин. Бу эса юқори босқичда таълим олаётган талабаларда таълим жараёнининг кескин ўзгаришига салбий таъсир кўрсатади, таълимда сифат ва самарадорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлади.


Муסיқий маданиятни шакллантириш борасидаги мавжуд нуқсонлар тарбия муассасаларида, мактабларда, олий таълимда муסיқий – эстетик тарбияга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, ёшларни юксак ахлоқий фазилатлар билан санъатга, маданиятга, миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашга бепарволик билан қараш, санъатда ёт таъсирларга ёшларнинг мойил бўлишида кўзга ташланади. Талабаларда муסיқий маданиятни шакллантириш жараёнида юқорида санаб ўтилган педагогик омилларни инобатга олиш кўзланган мақсадга эришишда муҳим босқич бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги назарий фикрларга асосланган ҳолда тадқиқот ишининг, талабаларда муסיқий маданиятни шакллантириш моделини қуйидагича белгиладик (2-расм).

Муסיқа йўналишида таълим олаётган талабалар билан уларнинг раҳбарлари иштирокида ва ҳамкорликда муסיқа маданияти – халқнинг мероси, оммавий муסיқа ёки маданият, замонавий муסיқа ва маданият, миллий муסיқани асраб-авайлаш, муסיқада халқ кўшиқлари ва анъаналарнинг ўрни ҳақида сўровнома, савол-жавоблар, суҳбатлар

уюштирдик. Натижа қуйидагича бўлди. Талабалардан (503 нафар) олинган сўровнома саволларига 67,1 фоизи менга бундай мазмундаги саволлар, баҳслар, мунозаралар, суҳбатлар ёқади; 20 фоизи фақат мунозаралар, суҳбатлар ёқади; 9,3 фоизи суҳбатлар ёқади; 3,6 фоизи эса бу мавзу ҳеч қандай қизиқиш уйғотмаслигини билдирдилар.

Олий таълим муассасалари ўқитувчилари билан ўтказилган баҳс, мунозара, суҳбат натижалари эса қуйидагича бўлди. 70,3 фоиз ўқитувчи юқорида келтирилган саволлар ёрдамида талабаларга сўровнома, баҳс, мунозара ва суҳбатлар ўтказиб бориш ҳар томонлама қизиқарли, уларнинг маданиятини, фикрини, нутқини ўстиради, дарсни ўзлаштиришига ёрдам беради, деган фикрни билдирдилар. 19,2 фоиз ўқитувчи эса талабалар билан юқоридаги саволлар орқали мунозара, суҳбат уюштирсак етарли, чунки уларда мусиқий маданиятни шакллантириш шарт эмас, дейишган бўлишса, 10,5 фоиз ўқитувчи талабаларга саволнома, баҳс-сўровнома ва қисман суҳбат қилиш яхши натижалар беради, деган фикрни билдирдилар. Олий таълим муассасалари факультетлари ишчи кенгаши йиғилишларида раҳбарият билан ўтказилган баҳс, мунозара ва суҳбат шуни кўрсатдики, 80,4 фоиз ўқитувчилар мусиқий маданиятни шакллантириш жараёни фойдали бўлишини, чунки талабаларда умуммиллий маданият, касбий маҳорат, санъаткорона фикрлаш, дунёқараш ўсишини қўллаб-қувватлаганлар.



2-расм. Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий маданиятни шакллантириш модели.

Тадқиқот ўтказилиши жараёнида олий таълим муассасалари мусиқа фани ўқитувчиларига куйидаги саволлар билан мурожаат қилинди. «Мусиқа маданияти дарсларини ўтишда қандай муаммоларга дуч келаяпсиз?» – деган саволга 67% ўқитувчи «ҳеч қандай камчилик йўқ» деб жавоб берган. Аммо 33% ўқитувчи камчиликларни айтиб ўтиб, жумладан, чет эл мумтоз мусиқаси берилмагани, опера, симфония, кантата ва бошқаларнинг асосан таърифи берилиши билан чекланганлиги каби муаммоларни белгилаганлар.

«Мусиқий-назарий билимларга қандай билимлар киради?» – деган саволга 69% ўқитувчилар сольфеджио, мусиқа назарияси, ритмика фанларини айтганлар, 17% ўқитувчилар мусиқий-назарий билимлар тушунчасига нотўғри таъриф берганлар (кўшиқ куйлаш, шеър ёдлаш), 14% ўқитувчилар умуман жавоб бермаганлар. 37% ўқитувчилар дарсликдан ташқари кўшимча адабиётлардан фойдаланишларини, ушбу адабиётлар номларини ёзиб берганлар, 25% ўқитувчилар дарслик билан кифояланганлар, 36% ўқитувчилар мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида интерфаол педагогик технологиялардан – савол-жавоб, ўйин ва мусобақа турларидан фойдаланишларини айтиб ўтганлар, 2% ўқитувчиларнинг эса интерфаол педагогик технология тушунчаси ҳақида тасаввурга эга эмасликлари маълум бўлди. «Талабаларнинг мусиқий маданиятини шакллантириш мавзусини ёритишга ҳаракат қилганмисиз?» – деган саволимизга 17% ўқитувчилар – доимо, 31% ўқитувчилар – баъзан, 19% ўқитувчилар – бир ёки икки марта, 21% ўқитувчилар – умуман фойдаланмаганликларини айтганлар, 12% ўқитувчилар ушбу саволни жавобсиз қолдирганлар.

Талаба ёшларда мусиқага ҳавас уйғотиш учун уларнинг эшитаётган мусиқа асарларини билишлари катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун бепарволик билан пала-партиш ижро этилган асарлар ёшларда лоқайдлик ҳиссини уйғотади ва аксинча, яхши ижро этилган мусиқа асарлари уларда чуқур таассурот қолдиради. Ўқитувчида ёқимли, ширадор овоз бўлмаса ҳам, у кўшиқларни тўғри, жозибадор ва ифодали қилиб ижро этишга интилиши лозим.

Умуман олганда республикамиз олий таълим муассасаларидаги мусиқа маданияти дарсларида мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш жараёнида талаба шахсини шакллантириш йўлида самарали ишлар ҳам олиб борилаётганини таъкидлаш билан бирга, айрим камчилик ва нуқсонларни ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Булар: ўқув соатларининг камлиги; баъзи техника воситаларининг етишмаслиги; талабаларнинг дунёқараши ва мустақил фаолиятга етарлича эътибор йўқлиги; дарсларда янги ёки интерфаол педагогик технологиялардан фойдаланиш суст даражада эканлиги; мусиқий маданиятни шакллантириш борасида илмий тадқиқотлар, тавсиялар етарли даражада олиб борилмаганлиги, яъни илмий-назарий асосларнинг камлиги ва бошқалар.

Дастлабки сўров варақалари ёрдамида ўқитувчилар ва талабалар билан олиб борилган суҳбатлар натижасида куйидагилар аниқланди: кузатилган 53 та дарснинг 29 тасида деярли мусиқий маданиятга доир тушунчалар

тўғрисида талабаларга кенг ва ҳар томонлама маълумот берилади, аммо айрим дарсларда ушбу категориянинг моҳияти тўлақонли ўрганилмаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Таҷрибагача суҳбат давомида яқка тартибдаги ва давра суҳбатларида 135 нафар талаба-ёшлар иштирок этдилар. Суҳбатларда иштирок этган ёшларнинг 51 нафари билдирган фикр мулоҳазаларига кўра уларнинг мусиқий маданият билан боғлиқ касбий фазилатлар ҳақида етарли тасаввурга эга эканлигининг гувоҳи бўлдик. 30 нафар талаба-ёшлар эса бу борада етарли билимга эга эмасликлари, “мусиқий маданият” ҳақида саёз тушунчаларга эга эканлиги аниқланди. Суҳбат давомида берилган саволларга жавоб беришга қийналган талаба ёшларнинг 25 нафари қисман билимга, 29 нафари эса бу ҳақда ҳеч қандай тушунчага эга эмасликлари аниқланди.

Самарқанд давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Қарши давлат университети, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти талабаларига тарқатилган анкета варақаларидаги саволларга 97 нафар респондент “маданият”, “мусиқий маданият” билан боғлиқ инсоний фазилатларни юқори даражадаги сифатловчи белгилар, деб тан олишади. Булар: миллий мусиқани тушуниш орқали қуйидаги хислатларни – ватанпарварлик, она-юртга ва ватанга муҳаббат, инсонпарварлик ва илм ўрганиш ҳамда ўз дунёқарашини кенгайтириш ва бошқаларни намоён қилишдан иборат, деб билишади, 47 нафар респондент қалб тозаллиги, кўнгил поклигига эришиш, маърифий-маданий меросни англаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш каби тушунчаларни инсон миллий мусиқа орқали ҳам тушуниш мумкинлигига ишонишади.

Ўтказилган таҷриба-синов ишлари шуни кўрсатдики, 73% талабалар мусиқий фаолиятлари давомида мусиқа тинглашни афзал кўрадилар. Афсуски, талабаларнинг энг сеvimли фаолиятларини амалга ошириш учун мусиқа эшитиш мосламалари кам. Ўқитувчи ижросида эшитишнинг кўшиқ ўрганишда самараси бўлсада, лекин мумтоз мусиқамиз, жаҳон мумтоз мусиқаларини талабалар тўла идрок этишлари учун мутахассислар томонидан ижро этилган ёзувлар етарли даражада бўлмаса мақсадга эришиб бўлмайди.

Таҷриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилиб, уларда жами 403, асословчи таҷриба даврида 206 (таҷриба гуруҳида – 102; назорат гуруҳида – 104), нафар таъкидловчи таҷриба даврида 197 (таҷриба гуруҳида – 96; назорат гуруҳида – 101) нафар талаба қатнашди. Ҳар бир босқич натижалари таҳлил этиб борилди. Таҷриба-синов тадқиқот ишлари 2007-2009, 2009-2011, 2011-2016 йилларда Самарқанд давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти, Фарғона давлат университети, Қарши давлат университети, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтларида ташкил этилди.

Тадқиқот жараёнида маданий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам берувчи мусиқий асарларга талабалар қизиқишларини ошириш, уларда маданий фазилатларни ривожлантириш, эстетик эҳтиёж, хусусан бадиий

